

**БАҲОУДДИН НАҚШБАНД  
ҲИҚМАТЛИ СЎЗЛАР**


**BAHOUDDIN NAKSHBAND  
WORDS OF WISDOM**



ISBN 978-9943-7079-9-3



9 789943 707993



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ  
БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**БАҲОУДДИН НАҚШБАНД  
ҲИКМАТЛИ СЎЗЛАР**

**BAHOUDDIN NAKSHBAND  
WORDS OF WISDOM**

**“Дурдона” нашриёти  
Бухоро – 2021**

**УЎК 28-9**

**86.38г**

**Н 79**

**Баҳоуддин Нақшбанд. Ҳикматли сўзлар. Bahouddin**

**Nakshband. Words of wisdom.** Ҳикматли сўзларни тўпловчи

ва мақолалар муаллифи Г.Наврўзова, ҳикматли сўзларни

инглиз тилига таржима этувчи З.Расулов. - Бухоро :

"Sadriddin Salim Buxoriy" Durdona nashriyoti, 2020. - 52 б.

**КБК 86.38г**

Қўлингиздаги рисола Нақшбандия тасаввуфий таълимотининг асосчиси Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) томонидан айтилган ва манбаларда келтирилган ҳикматли сўзлар ҳамда ҳаёт йўллари ва маънавий мерослари ҳақида ўзбек ва инглиз тилларида маълумот беради. Асар кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

Масъул муҳаррир:

**Ҳайдархон Йўлдошхўжаев**

**Тақризчилар:**

**Зоиров Э.,** Бух.МТИ “Ижтимоий фанлар” кафедраси  
мудири

**Норова М.,** Бухоро тиббиёт институти “Инглиз тили”  
кафедраси ўқитувчиси

Рисола Мир Араб Олий мадрасаси кенгашининг 5-сонли мажлиси (2021 йил 15-март) қарорига асосан нашр этишга тавсия этилган.

**ISBN 978-9943-7079-9-3**

## **Баҳоуддин Нақшбанд**

Ҳазрати Хожаи Бузург, яъни Хожа Баҳоуддиннинг таваллудлари 718 йилнинг муҳаррам ойида юз берган. У кишининг туғилган ва дафн қилинган ерлари Бухорои Шарифдаги Қасри Орифондир. Улуғ Зот таваллуд топган бу муборак сана милодий 1318 йил 5 мартдан то 3 апрелгача бўлган вақтга тўғри келади.

Баҳоуддин Нақшбанднинг асл исмлари ҳақида Алишер Навоий шундай маълумотни ёзган: "Аларнинг оти Муҳаммад бин Муҳаммад Бухорийдур"

Жаҳоншумул нақшбандия таълимотининг асосчиси Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд бундан 633 йил муқаддам душанба кечаси, раббиул аввал ойнанинг учинчиси ҳижрий 791, милодий 1389 йил 2 мартда вафот этганлар. Оллоҳ муборак қабрларини пурнур, руҳларини шод этсин ва у киши қолдирган таълимот барҳаёт бўлсин.

## **Bahouddin Nakshband**

The time of birth of Khodja Bahauddin is in Muharram in 718, Hijri. The place of birth and burial is Qasri Arifan village in Bukhara. As for the date of birth, it is between March 5 and April 3, 1318 MS year.

Alisher Navai, the great poet of Uzbek literature of 15th century, wrote that Bahauddin Naqshband's name was Muhammad bin Muhammad Bukhari.

The founder of outstanding Naqshbandiya teaching Hz. Bahauddin Naqshband left this world 633 years ago in March 2, 1389, on Monday night, hijri in Rabbiyu l Avval, 3, 791. May Allah lighten his mubarak grave, bless his ruh, and may his teaching last forever. Amin.

## НАҚШБАНДИЯ АСОСИЙ ТАМОЙИЛЛАРИ

- 1.Хуш дар дам
  - 2.Назар бар қадам
  - 3.Сафар дар ватан
  - 4.Хилват дар анжуман
  5. Ёдкард
  - 6.Бозгашт
  - 7.Нигаҳдошт
  - 8.Ёддошт
  - 9.Вуқуфи замони
  10. Вуқуфи адади
  - 11.Вуқуфи қалби
- 1-4 Тамойилларни Юсуф Ҳамадоний,  
5-8 Тамойилларни Абдулхолиқ Ғиждувоний  
9-11 Тамойилларни Баҳоуддин Нақшбанд киритган

### Essential principles in Naqshbandia

1. Hush dar dam (meditation in one's state)
2. Nazar bar qadam (control each step)
- 3, Safar dar vatan (travel to homeland)
4. Hilvat dar anjuman (isolation, being alone though you are in crowd)
5. Yod kard (remembering )
6. Bozgasht
7. Nigahdosht (have a look)
8. Yoddosht (mentioning)
9. Wuqufi zamoni is when the follower is ALWAYS aware of his state, checks his own condition and status EVERY TIME whether he is in shukur (thanking) or tovba (sorry)
10. Wuqufi adadi
11. Wuqufi qalbi

1-4 of these principles belong to Yusuf Hamadoni  
5-8 were added by Abduholiq Gijduvoni  
9-11 were contributed by Bahauddin Naqshband

## Баҳоуддин Нақшбанднинг ҳикматли сўзлари

### Bahouddin Nakshband Words of wisdom

1. Агар луқма пок бўлмаса мақсад ҳосил бўлмайди.  
*If the food is not halal, the goal will not be achieved.*



2. Баҳоуддин Нақшбанд суҳбатларда айтардилар:  
"Ҳадисда келганким, "ибодат ўн қисм, ундан тўққиз қисми ҳалолликни қидириш, бир қисми эса бошқа ибодатлар",

*Sheikh Bahauddin Naqshband says in his talks: It is a hadis that praying (ibadat) is of 10 parts, nine of it is seeking for halal and one is the rest of all ibadat.*



3. Баҳоуддин Нақшбанд айтар эдилар: "Шамга ўхшагин, токи ҳаммага равшанлик бағишла, ўзинг эса қоронғида бўл".

*Sheikh Bahauddin Naqshband says: Be like a candle so that lighten everyone but don't be visible, keep yourself in darkness.*

*Sheikh Bahauddin Naqshband says: Be like a candle so that you could lighten everyone but don't be visible.*



4. Ғафлат, ғазаб ва бошқа ёмон туйғулар билан тайёрланган овқатда хайр ва барака бўлмайди. чунки унга нафс ва шайтон аралашади.

*There won't be khayrun (goodness) and barakat in the meal made with ghaflat, ghazab (hatred) and other bad feelings.*



5. Бу йулдаги ҳақиқий талаб мукаммал ҳаракатдан иборат бўлиб, у бандани беқарор ва беором қилади.  
*The real requirement on this path is the perfect action which makes the slave restless and unruly.*



6. Ҳақиқату-з-зикри ал-хуружу ал-майдони-л-ғафлати ила фазои-л-мушоҳадати.

(Зикрнинг ҳақиқати - ғафлат майдонидан чиқиб мушоҳада фазосига чиқишдир).

*Haqiqatu-z-zikri al-khuruju al-maydoni-l-ghaflati ila fazoi-l-mushahadati.*

*The haqiqat (reality, outcome) of zikr is getting out of the ghaflat towards the space of the mushahada.*



7. Ба зоҳир бо халқ ба ботин бо ҳаққ бош.

Аз дарун шав ошнову аз берун бегонаваш,

Инчунин зебо равиш кам мебувад андар жаҳон.

Зоҳиран халқ билану ботинан ҳаққ билан бўлгин.

Ичдан (қалбинг билан аллоҳга) ошною ташқаридан бегонадай бўл (буни хуфия сақла, риёдан сақлан),

Бундай гўзал равиш бутун жаҳонда кам топилади.

*Zahiran (from outside, explicitly) be with people, but batinan (inside, implicitly) be with Haqq.*

*Innerly be friends but outer behave like unfamiliar (with Him).*

*Mind that such a beautiful state is not always found in the world*



9. Ҳар бир тавфиқ эгаси ўз нафсига қарши турмоғи керак ва бу ҳар қанча оз бўлса ҳам кўп билсин ҳамда бу тавфиқнинг шукрини қилсин.



*Every owner of tawfiq (Allah's help) must struggle against his nafs and no matter how little the tawfiq is, it should be taken as much one and say shukran for it.*



10. Киши ўзининг нафсига тухмат қилиши керак. кимки ҳақ субҳанаҳу инояти билан ўз нафсининг ёмонлигини таниган, унинг ҳийла-найрангини англаган бўлса, бундай қилиш унга осон бўлади.

*One has to slander his nafs. It is easy to do so for those who recognize the evil and cunning tricks of his nafs thanks to inayah of Haqq subhanahu.*



11. Бизнинг тариқатимиз жаҳрия зикрию самоъ эмас, бизнинг тариқатимиз анжуманда хилват (хилват дар анжуман), ватанда сафар (сафар дар ватан)дир. хилватда шуҳрат бор, шуҳрат эса офатдир. жамиятда хайрият бўлади, жамият эса суҳбатда бўлади. Агар бу йўл толибларидан бир гуруҳи бир-биролари билан ҳамсуҳбат бўлсалар бу суҳбатда хайру барака кўп бўлади. умид борки, бу ишга доимо амал қилинса охир ҳақиқий иймон билан яқунланади.

*Our tariqah (path) is neither jahriya (loud) nor sama' (dancing).*

*Our tariqah is:*

*the hilvat in anjuman (being alone though you are socializing)*

*the travel in homeland (travelling though you are in your own place).*

*There is the fame in hilvat (being famous though you are in isolation)*

*and the fame is a misfortune.*

*There is a hayriyah (goodness) in jamaa (society) and jamaa is in sohbah (talks). And if the followers of this path have a*

*talk to each other there is much khayr and baraka in these talks. There is a hope that if this rule is always followed, the hakiki iman is in the end.*



12. "Амти-л-аза ани-т-тарики" (азият берадиган нарсаларни йўлдан йўқотинг)дан мурод шуки, нафсингизни ҳақ йўлида йўқотинг

байт:

Зери девори вужуди ту бувад ганжи гухар,  
ганж зохир шавад аз ту гар зи миён бархези.  
мазмун:

Вужуд деворининг ости гавҳар хазинасидир.

Агар сен ўртадан кетсанг (нафсингни йўқотсанг, вужудингдаги бор имкониятлар ҳақ ризолигида хизмат этса) хазина зоҳир бўлади.

*Amti- l - aza ani - t - tariqi.*

*Eliminate those things from your path which may harm.*

*That's to say, get rid of your nafs for the sake of Haqq.*

*There is a treasury of pearl behind the walls of your body.*

*Treasury becomes visible in you if it (nafs) is removed between*



13. Бандалик хожалик билан мос келмайди.

*Slavery (being human) doesn't come together with lordship.*



14. Бизнинг тариқатимиз урвату-л- вусқо

(кучли.тутқич)нинг нодир кўринишларидандир.

*Our tariqat (path) is a rare form of Urvatu-l -vusqo (strong holder)*



15.Нафасни зое кетишга йўл қўйманг ва бундан эҳтиёт бўлинг.

*Don't waste any breath and be aware of it.*



16. Сизлар беихтиёр бўлинглар (яъни ўз ихтиёрларингизни тўла оллоҳга топшириб, унгагина таваккул қилинглар), ризо талаби йўлида (ҳар бир амалнинг оллоҳ ризолигида бўлиши учун) қалбларни эҳтиёт қилинглар.

*You have to forget about your volition, trust in Allah, tawakkal only Him. For the sake of His rida (for each of amal - action to be on His will) be careful of the hearts.*



17. Яхши амаллар ва гўзал ишлар биносининг юзага келиши ҳалол таомга боғлиқдир. Агар у таом воқиф ҳолда ейилса, барча ишларда яхши натижа ҳосил бўлади.

*Good amal and beautiful deeds' building is designed with halal meal. If this meal is eaten being vakif (aware) then all the efforts will result with good consequences.*



18. Яхшиликка яхшилик қилиш улуғ ишлардан ҳисобланади. икки мусулмон ҳар вақт бир-бири билан учрашиб қолса, биринчиси аввал салом берса, иккинчиси то ҳаёт экан, унинг саломи ҳаққини адо қилолмайди. киши ҳаққини рия қилиш сулукнинг одобларидандир

*Responding kindness against kindness is one of great deeds. When one Muslim greets another Muslim with Assalamu alaykum w.r.w.b., the second one can never pay off the first one as far as he lives. Paying off the others is one of the Adabs (rules of good-behaviour) of Suluk.*



19. Бу йўлдан юргувчиларга илтижо(ниёз), ўзини хор тутиш(мискинат) ва олий ҳиммат керак. у одамни мана

шу эшикдан киритадилар. биз нимани топган бўлсак, шундан топдик.

*An appeal to the followers:*

*behave like a poor men and be generous. Such man is welcomed through this door. Whatever we reached is due to it.*



18. Бу қавм улуғларининг сўзлариданки, бу йўлда юрувчи ўз нафсини фиръавннинг нафсидан юз марта бадтар деб билмаса, демак бу йўлда эмас.

*The words of the Elders of this clan are as follows:*

*if the follower of this path doesn't treat his Nafs worse than Firavn's one, then he isn't on the path.*



19. Адаб бу хулқни чиройли қилиш, сўзни ва феълни соз қилишдир.

*Adab is when a man makes efforts to have a beautiful nature of his behaviour by good words and good nature.*



20. Бу йўл талабида бўлганларга қуйидагиларга амал қилиш шарт: "Ат-тариқату куллуҳу адабун, бикулли холин адабун ва бикулли макомин адабун, фа-ман лозама-л-адаба балаға мубаллағи-р-рижол" (тариқат йўли тўла одобдан иборатдур. Ҳар бир ҳол ва ҳар бир мақомнинг одоблари бор. Кимки одобни ушласа уни балоғат аҳлининг балоғатига етказди, яъни камолга етади).

*The applicants of this path must follow the rules beneath:*

*At-tariqatu kulluhu adabun, bikulli halin adabun va bikulli makamun adabun, fa-man lazama- l -adaba balagha muballaghi-r- rijal.*

*The path of tariqah is full of adab (rules of good-behaviour). Every state and every makam (degree) have its own adab.*

*The one who follows adab achieves the level of perfectness of perfect people.*



21. Адабу-л-хидмати аъаззу мин-л-жидди, аломатуху қабулу-л-амали ва-л-убудияту мулозамату-л-адаби ва-т-туғёну суъу-л-адаби (хизмат одоби улуғ бахтдан яхшироқ. Унинг белгиси - амалнинг қабули. Туғён эса адабнинг бузуқлигидир).

*Adabu- l - hidmati a'azzu minal - jiddi, allamatuhu qabul-ul-amali va-l -ubudiyatu mulazamatu-l -adabi va - t-tughyanu su'u-l adabi*

*The adab of hizmat (rules of serving) is better than highest happiness. It appears in the qabul of amal (acceptance of deeds). As for the rebellion, it s the defect of adab.*



22. Адабни сақлаш - муҳаббат самараси, яна муҳаббат дарахти, яна муҳаббат уруғи ҳамдир.

*Following the Adab (rules) is the fruit of Muhabbat (love) and the tree of Muhabbat and the seed of Muhabbat as well.*



23. Агар адабдан озгина нуқсонга йўл қўйсанг ҳам ниманики қилсанг беадаблик кўринади.

*Even the smallest misbehaviour in your nature seem as misbehaviour whatever you do.*



24. Солик (тариқат йўлидан бораётган киши)нинг барча ишлари яқин(ишонч) асосига қурилган бўлиши зарурки, то натижа яқин (ишонч)орқали зухурга келсин.

*Salik (the follower of Tariqah) must correspond all his deeds on the basis of YAQIN (believe, trust), so that the result could zuhur (manifest) through YAQIN.*



25. Маърифати тафсилий(тўлиқ) солик (ҳаққ йўлидан бораётганлар) ва толиблар мақсадининг сўнгги поғонасидир.

*Ma'rifati tafsili is the last level of the goal of the Soliks (followers of the path of Haqq) and Talibs (students).*



26. (Сайру сулукдан мақсад) то маърифати ижмолий (қисқа) тафсилий (тўлиқ)га айлансин, яъни солик хабарчидан қисқагина қабул қилинган нарсани тафсил (тўлиқлик, батафсил) йўли орқали таниб олсин ва далилу хужжат мартабаси орқали кашфу аёнлик мартабасига ета олсин.

*The goal of SayruSuluk is that Ma'rufati Ijmali(short) is to turn into Ma'rifati Tafsili(long, full). That is to say, the Salik has to recognize the short information by means of Tafsil (full), and by Dalil-u-Hujjat (argumentation) level gets promoted to KashfuAyan level.*



27. Вуқуфи замоний бу йўлда юрувчи учун шундай нарсаки, толиб доимо ўз аҳволидан хабардор бўлиши, ҳар бир замонда ўзининг ҳоли ва сифати қандай, шукр пайтими, узр пайтими, буни билиши керак.

*Vuqufi zamoni for the follower is being aware of one's own status: whether one is in state of shukr or repent. Bahauddin Nakshband.*



28. Ман заййаъа вақтаҳу фа-вақтуҳу мақтун (ким вақтини зое қилса, бас, бу вақт унинг душманидир).

*The one who wastes his time, then it becomes his enemy.*



29. Вақтни идрок қилишга интилиш лозимки, айтадилар; "ал-вақту ла то лоҳазу ила ма қусима лака фил-азали ва ла ила матасиру илайҳи-л абад ва таҳфаз

муродал-ҳаққа байна-н-нафасайни" (вақт шундайки, у азал тақсим қилган нарсага қарамайди ва абад келтирадиган нарсага ҳам боқмайди. икки нафас орасида ҳақ хоҳишини асра).

*It's vital to recognize the Time. They say "Al-vaqtu la ta la hazu ila ma kusima laka fil-azali va la ila ma. Tasiru ilayhi-l abad va tahfaz muradal-Haqqa bayna-n-nafasayni".*

*The Time doesn't care about the share of Azal, and the things which are brought by Abad. Take care about that which is between two breaths.*



30. Ҳар ким ўз вақтидаги вазифасини адо қилиш билан машғул бўлса, уни "соҳибу-л-вақт (вақт эгаси) дейдилар. нуқсон ва завол бу вақтга ҳоким бўлолмайди. *The one who is engaged in the responsibility of that time, is titled as Sahibu- l - Waqt (the Master of Time). Fault and decay can't govern this Time.*



31. Вақт соҳиби вақтнинг тасарруфидан қутулган, балки уни ўз тасарруфига олган бўлади, яъни ҳар бир вақтини энг муҳим ва аъло ҳолда сарф этади. Уни "абул-вақт солик" (вақт отаси бўлган солик) дейдилар. *The Sahibu- l - Waqt (Master of Time) is the one who is beyond the Time and the Time is under of his governing. That is to say, he spends each of his bio-time to the most vital and to the Avla-Hal. He is titled as Abu- l - Waqt Salik (the Salik who is the Father of the Time).*



32. Дарвешлар нақд аҳллари дир, уларга бериладиган нарсани нася қилиб бўлмайди.

Имрўз бубин ба дидаи ботин жамоли дўст,

Эй беҳабар, ҳавола ба фардо чи мекуни?

(Бугун дўст жамолини кўнгил кўзи билан кўриб қол,

Эй беҳабар, буни эртага қолдириб нима қиласан?)  
*Dervishes are the people "in cash", it s impossible to deal with them "in debt".*

*Imruz bu bin ba didai botin jamoli doost,  
Ey behabar, havola ba fardo chi mekuni? (in Tadjik)*

*(Rush to see the face of Friend by Batini (inner) eyes right now.*

*Hey, ignorant man, why to leave it for tomorrow?)*



33. "Ас-суфий ибну-л-вақт" (сўфий-вақт ўғли) шунга ишорадир.

Хирадмандон аз он кас табарро кунад,  
Ки ў кори имрўзаро фардо кунад.

(Оқиллар шундай одамлардан йироқда турадиларки,  
у бугунги ишни эртага қўяди.)

*"As-sufi ibnu- l - Waqt" ( Sufi is the sun of Time) is a hint for above.*

*Hiradmandon az on kas tabarro kunad,  
Ki ou kori imruzaro fardo kunad. (in Tadjik)*

*(The wise people keep away  
from such men  
That leave today's deeds for tomorrow).*



34. Ориф кишилар топа оладиган ва бошқалар топа олмайдиган йўл уч қисмга - мувоқаба, мушоҳада ва муҳосабага бўлинади.

*The path which Arif (knowledgable) people are able to find and the others cannot, is divided into three: Muraqaba, Mushahada and Muhasaba.*





35. Мууроқаба - бу йўлдан юривчи доимо тангри жамолига нозир - назар солувчи бўлиши керак. унутиш, йўклик ва фано рақамини барча махлуқотларнинг пешонасига чекиши лозим. Мууроқабанинг давомийлиги нодир ҳолдир. биз бунинг ҳосилини топганмизки, бу нафсга қаршилиқдир.

*Muraqaba is when the follower always looks at the Face of Allah. And he (the follower) must put the number of Forgetting, Nothingness, and Fana (Divinity) on the forehead of all the creatures. The duration of Muraqaba is a very rare state. We have reached this result by resisting the Nafs.*



36. Мушоҳада -бу ғайбий ҳолатларнинг кўнгилга киришидир. Замон ўтувчидир тўхтаб туролмайди ва бу воридот(кирувчи ҳолат)ни идрок қилолмаймиз. Бизнинг ҳолимизда мавжуд бўлган сифат туфайли қабз(сиқилиш) ва баст (шодлик)дан уни била оламиз. Қабз ҳолатида (аллоҳнинг) жалол сифатини мушоҳада қиламиз. баст ҳолатида жамол сифатини мушоҳада қиламиз.

*Mushahada is the entrance of ghayb (divine) states into the heart. The time is undergoing, non permanent and we cant recognize this Varidah (the state of entrance). Owing to the quality which we possess, we can recognize it by Qabz (tedium) or Bast ( joy). In Qabz (tedium, bore) we are able to mushahada His Jalal quality. In Bast (joy) state we can mushahada His Jamal quality.*

*The time is fickle, it cant wait and we arent able to cognate this Varidah(t).... Qabz (boredom)...*



37. Муҳосаба - ўтган ҳар бир соатимизни ҳисоблаш ва текширишдир. Ўтган ҳар бир соатимиз, нафасимиз ва замонимиз ҳузур, яъни огоҳлик билан ўтдимиз, ёки

нуқсон биланми? Агар ҳаммаси нуқсон (ғафлат) билан ўтган бўлса қайтамиз ва амални аввал бошдан бошлаймиз.

*Muhasabah is counting and checking every hour we lived: Whether we have lived our life with Hudzur (awareness) or Nuqsan (ghaflat, unaware). If we find any Nuqsan, then we go back and start the action again.*



38. Вуқуфи ададий (касрат - кўпликда ваҳдат - ягоналикни кўра олиш, тавҳидни англаш) ладуний илмнинг бошланғич поғонасидир.

*Wuqufi Adadi (Kasrat, that is ability to see the Vahdat (Oneness, Unity) in plurality, to recognize the Tawhid) is the first step of Laduni Ilm (Divine Knowledge).*



39. Вуқуфи қалбий жазаба таъсирини ўзида ҳис қилиш ва бу таъсирнинг қалбда ўрин олиши учундир.

*Wuqufi Qalbi is for feeling the impact of Jazaba (contact with Allah, state of being under impression of it) and for the replacing it in the Qalb (heart).*



40. Ҳою ҳавас ва нафс аҳллари тутган ишлар асосининг барчаси залолатдан иборатдир. Ишларда ниятни тўғри қилиш энг муҳим нарсадир. Ният касб қилиб топадиган нарса эмас, балки у ғайб оламидандир. ниятнинг ҳақиқати ихтиёр остида эмас. агар ният йўқ бўлса умид натижа бермайди.

*The roots of the deeds which is done by the people of Temptation and Nafs go to Zalalah(t) (Deterioration). It is crucially important to have a proper Niyyah(t) (purpose). Niyyah cant be gained by experience, it is from Ghayb World (Divine). The Haqiqah of Niyyah (reality of purpose) isnt up to the desire. The hope will not come true if Niyyah is absent.*



41. Кимки битта ҳадисга умр бўйи амал қилса, кафил бўламанки, у мақсадига етади масалан, у: "Ман аслаҳа жавори ҳаҳу аслаҳаллаҳу жавонибаҳаҳу "(кимки қўл-оёғини тўғри ишлатса, Аллоҳ Таоло унинг насибасини тўғри қилиб беради) ҳадисига амал қилса, кафил бўламанки, унинг иши дин ва яқин йўлида охирига етади.

Ту то кай гўри мардонро парастӣ,  
Ба гирди кори мардон гарди растӣ.  
(Сен қачонгача мард-эранлар қабрига сиғинасан,  
Мард-бузурглр иши билан машғул бўлсанг(ҳаққа)  
етасан)

*Those who follow the Hadis beneth through all his life, I m kafil (guarantee) he will reach his Maqsad (purpose):*

*Man aslaha javari hahu aslahallahu javani bahahu*

*(The one who works with his hands and feet in proper way Allah Taala gives him appropriate Rizq (share).*

*I m Kafil that he will reach his goal on the way to Allah and Yaqin (absolute belief) if one follows this Hadis.*

*The outstaning verse in Tajik by the Sheikh:*

*Tou toe kay guri mardonro parasti*

*Ba girdi kori mardon gardi rasti.*

*For how long you visit the grave of powerful men,*

*Just do the deeds of powerful men and reach up (Haqq).*



42. Дарвешлик нима? дарвешлик ташдан беранг ва ичдан бежанг.

То дар ин хирқаем аз ҳеч кас мо

Ҳам наранжему ҳам наранжонем.

(То шу хирқада эканмиз ҳеч кимдан биз,

Ҳам ранжимаймизу ҳам ранжитмаймиз.)

*What is Dervishness? It is colourless outside and tolerant inside.*

*As far as we are in this "dress" we dont get angry with anyone and dont make angry anyone.*



43. Агар дўст айбига боқсак, дўстсиз қоламиз. ҳеч ким дунёда беайб эмас.

*If we look for the fault of a friend, we become friendless. No one is faultless in this world.*



44. Некувонро дўст дорад ҳар ки бошад дар жаҳон,  
Гар бадонро дўст дори гўй бурди аз миён.

(Жаҳондаги ҳар бир инсон яхшиларни дўст тутади,  
Агар сен ёмонларни дўст тутсанг ғолиб бўласан).

Биз бу сўздан сабоқ олдик. Эй дарвишлар, бу сўзни ёд олинг.

Verse:

*Ne quvonro dost dorad*

*Har ki boshad dar jahon*

*Gar badonro dost dori*

*Gooy burdi az miyon.*

*(Everyone searches for good people as a friend, If you make friends bad people you will win.)*

*We got a lesson from this. Hey, Dervishes, you also remember it.*



45. Мусулмонлик - бу иложи борича ҳукмларга бўйсунуш, тақвога риоя қилиш, амални бажаришга интилиш ва бекорликдан узоқлик бўлиб, буларнинг ҳаммаси нури сафо ва раҳмат ҳамда валоят даражасига етишиш воситасидир. Авлиёларнинг азиз манзили ва мақомларига мана шу сифат парвариши орқали етилади.

*Islam is an obeying the Hukm (laws), following the Taqwa, striving to do the Amal, keeping away from idleness. All the mentioned are the means of achieving Nuri-safa, Rahmah(t) and Valayat. The holy destination and Maqam of Awliya is achieved by developing these qualities.*



46. Ҳар ким ўзгаларни хоҳласа, ўзини хоҳлабти. кимки ўзини хоҳлабти билингки, ўзини хоҳламабти.

*В-ар зи худ бигузари, ҳама айшу хушист.*

(Ўзингдан кеча олсанг (яъни нафсингни бошқара олсанг) ҳамма шодлик ва хурсандликдур)

*If someone wants others, he wants himself. If someone wants himself, note that he doesn't want himself.*

*Var zi hud biguzari, hama ayshu hushist. (If you forget about yourself (i.e. control your Nafs), everything is joyful).*



47. Бизнинг йўлимиздаги аввалги қадам хайру эҳсондир.

Бахиллик сифати кўп хунук нарсадир, айниқса ҳақ с.т. йўлида.

*The first step on our path is Ihsan (generousness). Greediness is a graceless quality, especially if it is for Haqq Subhanahu Taala.*



48. Киши силсиладан ҳеч жойга боролмайди.

*One is not promoted due to he is just a member of Silsila (chain).*



49. Аллоҳдан ўзга нарсага боғланиб қолиш бу йўлда юрувчилар учун умумий ҳижоб(парда)дир.

*Being bound to anything else but Allah is a common Hijab (curtain, obstacle) for the followers of the Path.*



50. -Ҳеч мо не ва ҳеч мо кам не,  
Аз пай ҳеч ҳеч мо ғам не,  
Жанда дар пушт, пушт гӯристон,  
Гар бимирем ҳеч мотам не.  
(Бирор мол мулкимиз йўқ, лекин ҳеч кимдан кам  
эмасмиз,  
Мол-мулк каби арзимас матоҳ учун ҳеч ғам емасмиз,  
Жандамиз орқамизда, орқамиз гӯристонда,  
Агар ўлсак ҳам ҳеч мотамда эмасмиз.)

*The verse from Sheikh Bahauddin:*

*We are nothing and are no less than anything  
As well as we are never anxious about anything  
Our coat is behind us, and behind the cemetery  
We never grieve even if we pass away.*



51. Дил чун мохи, зикр чун об аст,  
Зиндагии дил ба зикри ваҳҳоб аст.  
(Дил балиқ каби, зикр эса сувдир,  
Дилнинг зикри ваҳҳоб(аллоҳ)биландир.)  
*Heart is like a fish and zikir is like a water  
The life of the heart depends on the zikir of Vahhab.*



52. Зикр айтишдан мақсад "ла илаҳа иллаллоҳ" эмас,  
балки сабабдан сабабга бориш ва неъматни сабабчидан  
деб билиш.  
*The goal of doing zikir is not saying "La ilaha illallah", it is  
moving from reason to reason and understanding that our  
findings are from the Lord of reason.*



53. То насўзад барнаояд бўи уд,  
Пухта донад ин суханро хом не.  
(То куймагунча уд ҳиди чиқмайди,  
Бу сўзни пишган (камолотга етган одам) билади,

хом билмайди)

*Ud\* doesn't smoke unless it is burnt,*

*Only the wise catches the meaning of it, not the immature.*

*\*Ud - a plant, a branch of which is burnt to have a smoke which smells nice.*



54. "Ин карихта ма яроху-н-насу минка фала тафъал минху ила халвата", яъни ҳақ ҳузурида риоя қилинадиган адабга хилватда ҳам риоя қилиш лозим.  
*In karihta ma yarohu-nasu minka fala taf'al minhu ila halvata.*

*The Adab (rules) which we follow before people must be followed in Hilvah (alone).*



55. Кўзи очиқлик ва англаб олиш фаросат нури орқали бўлиб, ҳақ субхонаҳу буни дарвешларга ато қиладики, "фа-иннаҳу янзуру би-нуриллаҳи" (чунки у аллоҳ нури орқали боқади).

*Keeping eyes open and recognizing are to be realized through the light of cognition which is destined to Dervishes (sufies) so that "Fa innahu yanzuru bi-nurullahi" (because He looks through the light of Allah).*

Инглиз тили таржимони: Зубайдулло Расулов

## **БАҲОУДДИН НАҚШБАНД - ҲАЛОЛЛИК ВА ПОКЛИК ТИМСОЛИ**

**Наврўзова Гулчехра Неъматовна-  
Бухоро муҳандислик-технология институти  
“Ижтимоий фанлар” кафедраси профессори,  
фалсафа фанлари доктори Dr.Sc.**

**email:premium.progress@mail.ru**  
*Тел:65-226-31-80 уй, (91)411-77-07 мобил.*

**Аннотация.** Мақолада Нақшбандия камолот йўлини асослаган Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389) ҳаёти ва таълимотини истиқлол даврида ўрганилиши, унинг маънавий мероси, ҳалоллик тимсоли эканлиги, ҳалол луқмага риоя қилганлиги, ҳалол тушунчасини жуда кенг маънода тушунганлиги ва ҳалолликга доир айтган ўғитлари, “Дастба кору дилба ёр” шиорининг моҳияти, унинг ҳалоллик ғояларини ҳозирги Ўзбекистонда тарғиб этиш йўлларига оид тавсиялар баён этилган.

**Таянч иборалар:** ҳалоллик, ҳалол луқма, ибодат, ҳалол меҳнат, “Даст ба кору дил ба Ёр”, ҳалол инсон, мукамал ҳаракат, вужуд, ижобий қувват, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик.

**Баҳоуддин Накшбанд как символ добросовестности и честности.**

**Аннотация.** В статье раскрывается личность основателя пути совершенствования Накшбандия Бахауддина Накшбанда(1318-1389) как символа добросовестности и честности, изучение жизнь и творчества в период независимости, его духовное



наследие. Кроме того, раскрывается его правильный образ жизни и его понимания честности и добросовестности, его назидание о честности и порядочности, о значении лозунга “В сердце-бог, а руки-в труде”, а так же, применение этих идей в современном Узбекистане.

**Ключевые слова:** честность, добросовестность, чистый кусок (пищи), богослужение, честный труд, «В сердце-бог, а руки-в труде», честный человек, завершённое действие, существо, позитивные силы, трудолюбие, гуманизм.

**Bakhauddin Nakshband as a conscientiousness and honesty symbol.**

**Summary.** In the article the personality of the founder of a way of perfection Nakshbandiya Bakhauddin Nakshband (1318-1389) reveals as conscientiousness and honesty symbol, exploration of life and creativeness in period of independence, his spiritual heritage. Besides this, the understanding of his correct way of life and his understanding of honesty and conscientiousness, his edification of honesty and decency, meaning of motto “In heart-god, and hands-in work” and application of these ideas in modern Uzbekistan is given.

**Keywords:** honesty, conscientiousness, a pure piece of food, divine service, fair work, «In heart-god, and hands-in work», the fair person, complete action, a being, positive forces, diligence, humanism.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисига қилган Мурожаатномаларида “ҳалоллик вакцина”си билан эмлаш орқали жамиятимизда ҳалол турмуш тарзини барқарор шакллантириш лозимлиги масаласини

кўтариб, биз зиёлилар, хусусан раҳбар кадрлар, олдида буни вазифа қилиб қўйдилар. Ҳар бир раҳбар билиши лозимки, ҳалол турмуш тарзини жорий этиш учун халқимизга “ҳалол” ва “ҳаром” тушунчасини тўғри англашига ёрдам бериш лозим. Бунинг учун болаларни жуда ёшликдан ҳалолни билиши ва унга амал қилишини ташкил этиш керак бўлади. Бу масалага доир жуда кўп манбалар мавжуд. Булар ичида жаҳоншумул Нақшбандия таълимоти ва тариқатини асослаган Баҳоуддин Нақшбанд (1318-1389)нинг[10:5-8, 11:922-926, 13:159-186, 15:160] ҳаёт йўли, пурмаъно ва жуда қимматли бўлган ҳикматли сўзларини ўрганиш ва тарғиб этишнинг аҳамияти каттадир.

“Ҳалол” араб тилидан олинган сўз бўлиб, рухсат этилган, йўл қўйилган, қонуний, асосли, виждонга мувофиқ маъноларни англатади.[6:641] Ҳадиси шарифда: “Ҳалол – очиқ, ойдиндир” дейилган. Аввало, ҳалол деганда очиқ, ойдин ҳалоллиги кўриниб турган сув, сут, мева сувлари каби ичимликлар, нон, мева, полиз экинлари, Аллоҳнинг исми айтиб сўйилган ҳалол ҳайвонлар гўшти каби таомлар, рухсат берилган кийимлар ва никоҳга олинган шахслар назарга олинади. Ҳалолликнинг асосий меъзони ҳалол касбу кор билан топиш бўлиб ҳисобланади. Ҳалол касб, ҳалол меҳнат, ҳалол йўл билан топилган, ҳадя, икки тараф розилиги билан бўлган тижорат туфайли қўлга киритилган мулк ҳам ҳалол бўлади. Ҳар бир ўзини Ҳазрати Инсон деб ўйлайдиган одам учун ҳалол нарсани талаб қилиш, ҳалолдан молу мулк топиш фарздир. Ҳалол бўлган нарсани ҳалол қилинган йўл билан топиб фойдаланиш керак. Масалан, нон ҳалол бўлсада, уни ҳаром йўл билан топгани учун у ҳалол бўлмайди.

Баҳоуддин Нақшбанд таълимотида ҳалол тушунчасига махсус эътибор берилган. Баҳоуддин Нақшбанд асослаган йўл тасаввуфнинг мўътадил, ҳушёрлик йўли бўлиб, баркамол инсонни тарбиялашга ёрдам беради.[7:153-225] Ҳар бир раҳбар Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўлини манбалар асосида билиши ва унинг маънавий меъроси билан яқиндан таниш бўлиши керак. Истиқлол даврида нашр этилган Йўлдош Эшбек[3:240], Садриддин Салим Бухорий [5:120] ва манбалар тўпламини [4:3-7] ўрганиш раҳбар ходимларга Баҳоуддин Нақшбанд ҳаёт йўлини чуқур билишга ёрдам беради. Айниқса Баҳоуддин Нақшбанднинг билишга оид 20 маслаҳати [8:83-115], “Аврод” [2:48-66] рисоласи ва ҳикматли сўзларини ўрганиш ҳар бир раҳбар ходимнинг маънавий дунёқарашини ўсишига ёрдам беради.

Баҳоуддин ҳаёт йўлига оид энг муҳим манба бўлган Абул Муҳсин Муҳаммад Боқир ибн Муҳаммад Али томонидан ёзилган “Мақомоти Хожа Баҳоуддин Нақшбанд” китобининг иккинчи мақсадида Баҳоуддин Нақшбанднинг биринчи халифалари Алоуддин Атторнинг шундай нақли келтирилган: “Ҳазрати Эшоннинг қадамлари суннатга тобе бўлишликда мустаҳкам эди. Ҳалолга интилиш ва шубҳали нарсалардан қочиши, айниқса, ҳалол луқмани таъкидлаб гапирардилар. Суҳбатларида доимо қуйидаги ҳадис ўтар эди: “Ал-ибадату ашарати ажзоин тисъату минҳо талабу-л ҳалоли ва жузъун ваҳидун минҳо соиру-л ибодоти” – “Ибодат ўн қисм, ундан тўққиз қисми ҳалолни қидириш, бир қисми эса бошқа ибодатлардир”. [1:83]

Ҳар бир раҳбар Баҳоуддин Нақшбанднинг айтган бу ҳикматли сўзларини маъносини англаши

халқимизга ҳалол тушунчасини тушунтиришга асос бўла олади. Чунки Баҳоуддин Нақшбанднинг шогирдлари билан суҳбатларда юқоридаги ҳадисни кўп такрорлашлари ҳалол тушунчасини жуда кенг тушунганларидан далолат беради. Баҳоуддин фикрича, инсон ўз ҳаёти давомида ҳалолни истаб, ҳалолни қидириб қилинган барча амал ва меҳнатлари ҳалол бўлиб, фарз қилинган бошқа ибодатлар ҳам унинг ўндан бир қисмидир. Баҳоуддин инсон фарз амалларини қилиб, ҳалол топиш, ҳалол ейиш йўлида меҳнат қилмаса ва бошқаларнинг топганига шерик бўлиб, уларга юк бўлса, ундай инсонларни амалларини ҳалол ҳисобламаганлар. Ҳалол инсон, Баҳоуддин Нақшбанднинг фикрича, ўзи, ўз оиласи, унинг қарамоғида бўлган ота- она ва қариндош уруғини ҳалол меҳнати билан боқиши ва шу билан бирга муҳтожларга ҳам мурувват қўлини чўзиб, уларни оғирини енгил қилишга интилиши лозим. Ибодат қиламан деб, оила аҳлини, ота-онасини ўйламаган инсон Баҳоуддин томонидан қораланган.

Баҳоуддин Нақшбанд асослаган Нақшбандия таълимотининг асосий шиори: “Даст ба кору дил ба Ёр” – “Қўл ишда ва қалб Ёр (Аллоҳ) билан”. Бу шиор инсонни мукамал ҳаракатга ундайди. Бу шиор асосида инсон доимо ҳалол меҳнат қилиши, яъни унга берилган вужуд имкониятларидан эзгулик йўлида фойдаланиши лозим. “Даст ба кор”лик шундай ҳаракатни тақозо этадики, у холис, Аллоҳ ризолиги учун, розилик ва мамнуният билан қилинган бўлсин. Бундай меҳнат “Дил ба Ёр”лик ҳолати натижасида вужудга келади. Шунинг учун бу тариқат аҳли ҳалол меҳнат қилиб, оила, маҳалла, эл-юрт ва ватанлари учун фойда келтирганлар ва халқни фаровон яшаши учун

имконлари даражасида меҳнат қилганлар. Раҳбар ходимлар “Даст ба кору дил ба Ёр” шиорини моҳиятини англасалар ва халқимизга тарғиб эта олсалар Ўзбекистонимизда моддий ва маънавий юксалиш бўлишига ёрдам бера оладилар. Чунки бу шиор инсонни иймонли бўлиб, ҳалол меҳнат қилишга ундайди.

Алоуддин Атторнинг манбада келтирилган нақлидан маълум бўладики, Баҳоуддин Нақшбандни ўзлари ҳар йили бир оз арпа ва мош экканлар ва ўзлари ишлов берганлар. Ҳўкизлари бўлган ва уларга ўзлари қараганлар. Бу улуғ зотнинг таомлари ўз зироатларидан ҳосил бўлган. У кишининг шариф суҳбатларига келган уламолар ва акобирлар овқатларини табаррукона деб ер эдилар.

Баҳоуддинга касбу-корларига асосан Нақшбанд номи берилган. Манбада ёзилишича, Баҳоуддин Нақшбанд шундай деган эканлар: “Мен ва отам кимхоббофлик касби билан машғул эдик”. [1:25] Демак, Баҳоуддин Нақшбанд оталари билан бирга ўша даврда Бухородан чиқадиган ва чет элларда ҳам машхур бўлган энг сара мато кимхобга нақш боғлаш ҳунари билан машғул бўлганлар ва ҳалол йўл билан ризқу рўзларини топганлар. Шу касблари туфайли ҳалол меҳнат натижасида энг гўзал нақш Аллоҳни барча мавжудотларнинг зоҳирида тажаллийсини кўрганлар ҳамда Аллоҳни қалбда нақшлашни ўрганиб, бошқаларга ҳам ўргатиб, Шоҳ Нақшбанд номи билан машхур бўлдилар. Жаҳоншумул Нақшбандия йўли ҳам Баҳоуддиннинг шу номларидан олинган.

Баҳоуддин Нақшбанд уйларида мол-мулк йўқ эди. Ғарибона яшар эдилар. У кишида хизматкорлар бўлмаган. У кишидан: “Нега хизматкор ёлламайсиз”?-

деб сўраганларида: “Қуллик хўжайинлик билан мос келмайди!” – деб жавоб берганлар. Манбада бу табаррук инсон томонидан айтилган қуйидаги икки байт келтирилган:

На маро мафрашу на мафрашкаш,  
На ғуломони турку тиркашкаш.  
Ҳама шаб чун сағони қаҳдони,  
Сар ба дум оварам ба жисми хуш. [1:85]

Мазмуни:

Менда на гилам бору на гиламни тозаловчи,  
На турк ғуломию на суянадиган киши.  
Бошини думимга қўйган итлар каби,  
Тун бўйи бутун жисмим хуш.

